

Ҳ У К М
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2022 йил 23 февраль куни, жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида

Раислик қилувчи судья Х.Содиқов,

судья ёрдамчиси Х.Нуриддинов котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент шаҳар Олмазор туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Солихов, судланувчи Ахралов Муслимжон Мирюсупович ва унинг адвокати О.Зупаров ҳамда жабрланувчи У.Қўконов иштирокида, Ахралов Муслимжон Мирюсуповичга оид 1-1008-2202/153-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Ахралов Муслимжон Мирюсупович (Aхralov Muslimjon Miryusupovich), 1978 йил 28 октябрь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, маълумоти ўрта, 2-гуруҳ ногирони, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қўштут МФЙ, Ленточний кўчаси, 6-тупик, 23-уйда яшовчи, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган, иш бўйича “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 112-моддаси 1-қисми ва 277-моддаси 2-қисми “в” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатмаларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

М.Ахралов 2021 йил 7 октябрь куни соат 20:10 ларда Олмазор тумани, Сағбон кўчасида жойлашган “Шарқ” тўйхонаси олдида жамоат жойида, маст ҳолатда бўла туриб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасдан, У.Қўконов билан ҳеч бир сабабсиз жанжаллашиб, У.Қўконовнинг чап қулоқ олди соҳасига ўзида мавжуд бўлган ўткир тиғли пичоқ билан бир мартаба уриб, унга соғлиқнинг қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати етказган.

Бундан ташқари, М.Ахралов жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2021 йил 7 октябрь куни соат 20:10 ларда Олмазор тумани, Сағбон кўчасидаги “Шарқ” тўйхонаси олдида У.Қўконовга тан жароҳати етказганидан сўнг ўткир тиғли пичоқни қўлида ушлаган ҳолда У.Қўконовни орқасидан қувлаб, уни ўлдириш билан кўрқитган.

Судда судланувчи М.Ахралов айбига тўлиқ иқроп эканлигини билдириб, 2021 йил 7 октябрь куни соат 18:30 ларда Хадра мавзесидаги дўкондан спиртли ичимлик истеъмол қилиб, Олмазор тумани, Сағбон



кўчасида жойлашган “Шарқ” тўйхонаси олдида келганлигини, шу ерда Чорсу-Келес йўналиши бўйича қатнайдиган “Дамас” русумли автомашинага кейинги бекатга қадар етиб олиш учун чиққанида “Дамас” ҳайдовчиси У.Қўқонов унга “жой йўқ” деб уни автомашинага чиқишига йўл қўймаганлигини, унга битта бўш жой бор эканлигини, кейинги бекатгача етиб олишни сўраганида ҳайдовчи У.Қўқонов унга яна қўпол муомалада бўлиб, уни ҳақорат қилиб, автомашинасидан тушиб, уни 10 қадам наригача итариб, юз қисмига мушти билан урганлигини, ерга йиқилиб тушганидан сўнг ҳайдовчи У.Қўқонов яна юзига урганлигини, у жойидан туриб, ҳайдовчи У.Қўқонов билан “Дамас” автомашинасининг олдида ўзаро гап таллашиб борганлигини, шу пайт у ёнида бўлган пичокни ўнг қўлига олиб, ҳайдовчи У.Қўқоновнинг юз қисмига, яъни чап қўлига олди қисмига пичок билан бир марта урганлигини, сўнг ўша ҳайдовчи қўлига ушлаган ҳолда қочиб кетганлигини, унинг орқасидан қўли билан бораётган вақтда ҳайдовчи У.Қўқонов бошқа бир таксига ўтириб кетиб қолганлигини, у пичок урган жойга келганидан сўнг орадан 10 дақиқа вақт ўтиб, у ерга ИИО ходимлари келиб, унга қўлидаги пичокни ерга қўйишини сўрашганлигини, у ИИО ходимларининг қонуний талабларини бажариб, пичокни ерга қўйганлигини, сўнг ходимлар уни ИИБ биносига олиб келганликларини, воқеа куни “Дамас” ҳайдовчиси У.Қўқонов унга “автомашинада жой йўқ” деб, аслида уни спиртли ичимлик ичганлиги учун автомашинага чиқармаганлиги сабабли, у билан уришиб кетиб, уни кўрқитиб қўйиш мақсадида пичок билан жароҳат етказганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймон эканлигини, суддан унга нисбатан енгилроқ жазо тайинлашни сўраб кўрсатма берди.

Судда жабрланувчи У.Қўқонов, у “Дамас” русумли давлат рақами 10 G 687 WA бўлган автомашинада Навоий-Чорсу йўналиши бўйича киракашлик билан шуғулланишини, 2021 йил 7 октябрь куни соат 18:00 ларда Олмазор тумани, Сағбон кўчасидаги “Шарқ” тўйхонаси олдида мижоз тўплаб турган вақтда автомашинасида 6 нафар йўловчи бўлганлигини, у ҳаракатланиб кетаётганида М.Ахралов автомашинадаги йўловчиларни ҳақорат қилиб, уларни тушишини талаб қилганлигини, шунда йўловчилар автомашинанинг эшигини ёпиб олмоқчи бўлганида М.Ахралов эшикларни ёпишга қаршилиқ кўрсатганлигини, шунда у автомашинадан тушиб, унга “бор кет бу ердан” деб айтиб, автомашинани ҳайдаб кетганлигини, орадан 40 дақиқалар ўтиб, “Шарқ” тўйхонаси олдида қайтиб келганида М.Ахралов уни кутиб турганлигини, сўнг унинг олдида келиб, маст ҳолатда уни ҳақорат қилиб, унга ёпишмоқчи бўлганлигини, уни итариб юборганида ерга йиқилиб тушганлигини, сўнг у автомашинасини олдида келганида ўша М.Ахралов уни яна ҳақорат қилиб, ўзаро тортишиб турганларида М.Ахралов тўсатдан ўнг қўлида ўткир тиғли жисм билан унинг чап қўлига соҳасига бир марта тикиб олганлигини, қўлидан қон оқаётганлиги сабабли қўли билан қўлига ушлаб турган вақтда ўша киши қўлидаги ўткир тиғли жисм билан чап қўлига соҳасига



жароҳат етказганлигини, сўнг унинг мазкур ҳаракатларидан кўрқиб кетиб, яна тикиб олмасин деб ундан қочишни бошлаганлигини, М.Ахралов кўлида пичоқни ушлаган ҳолда уни “ўлдираман” деб қувлай бошлаганлигини, у “Ласетти” русумли йўловчи автомашинага ўтириб, шифохонага бориб мурожаат қилганлигини, ишни одилона кўриб чиқишни сўраб кўрсатма берди.

Суд тиббиёт экспертизасининг 2021 йил 25 октябрь кунги 6767-Хуж-Кур-сонли хулосасига кўра У.Қўқонов оғирлик даражасига кўра соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган Енгил тан жароҳати олганлиги ҳақида баён қилинган.

Судланувчи М.Ахраловнинг жиноятни содир этганликдаги айби, М.Ахраловнинг ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатмасидан ташқари, жабрланувчининг аризаси, тушунтириш хатлари, сўроқ ва юзлаштириш баённомалари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, нарсани кўздан кечириш ва шахсни таниб олиш баённомалари, судга оид тиббиёт экспертиза хулосаси ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ҳужжатлар билан тасдиғини топади.

Суд, судланувчи М.Ахраловнинг жиноий ҳаракатлари квалификациясига ҳуқуқий баҳо бериб, унинг безорилик яъни, жамиятда юриш туриш қоидаларини қасдан менсимасдан, совуқ қуролдан фойдаланган ҳолда, уриб-дўппослаб, баданга шикаст етказишда да ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “в” банди билан ҳамда ўлдириш билан кўрқитишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 112-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи М.Ахраловга нисбатан жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55, 56-моддалари талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг талабларига риоя қилиб, унинг қилмишидан пушаймонлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, уни мазкур жиноятни паст ниятларда ҳамда маст ҳолатда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этиб, жиноятнинг оғирлик даражаси ва хусусиятини, уни ногиронлик тўғрисидаги маълумотномага кўра меҳнатга лаёқатсиз эканлигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 112-моддаси 1-қисми билан жарима жазоси тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “в” банди билан озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган ҳар хил турдаги жазоларни тўлиқ қўшиш йўли билан узил кесил жарима жазоси ва озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим деб топади.



Суд, далилий ашё 1 дона пичоқни йўқ қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, томонларга моддий ва маънавий зарар бўйича фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига риоя қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

Ахралов Муслимжон Мирюсупович (Axralov Muslimjon Miryusupovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 112-моддаси 1-қисми ва 277-моддаси 2-қисми “в” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Ахралов Муслимжон Мирюсуповичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 112-моддаси 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) баравари миқдорида 1.350.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ахралов Муслимжон Мирюсуповичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “в” банди билан 1 йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган ҳар хил турдаги жазоларни тўлиқ қўшиш йўли билан Ахралов Муслимжон Мирюсуповичга узил кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) баравари миқдорида 1.350.000 сўм жарима жазоси ва 1 йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазоларни ҳар қайсиси алоҳида ижрога қаратилсин.

М.Ахраловга озодликни чеклаш жазосини Тошкент шаҳар Олмазор тумани, Қўштут МФЙ, Ленточний 6-туп 23-уйда соат 22:00дан 07:00га қадар ўташ белгилансин.

Ушбу жазо ижросини назорат қилиш М.Ахраловнинг яшаш жойи бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман ИИБ ФМБ Пробация гуруҳига юклатилсин.

М.Ахраловнинг озодликни чеклаш жазосининг муддати Тошкент шаҳар Олмазор туман ИИО ФМБ Пробация гуруҳига ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

М.Ахраловнинг зиммасига ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг:

- назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;
- Тошкент шаҳри ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;
- жиноятга мойиллиги бўлган шахслар билан алоқа ўрнатмаслик каби тақиқлар (чеклашлар) юклатилсин.
- муайян жойлар, яъни кафе, бар, спиртли ичимликлари ичиш жойларига бормаслик;
- спиртли ичимликлари ичмаслик;



М.Ахраловга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 5 ва 6-қисми талаблари, яъни озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги, маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги, жазони ўташдан бўйин товлаш вақти ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмаслиги тушунтирилсин.

М.Ахраловга нисбатан танланган “Шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Далилий ашё 1 дона пичоқ йўқ қилинсин.

Томонларга моддий ва маънавий зарар бўйича фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан 20 (йигирма) сутка муддат ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериши ёки протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

Х.Содиқов

